
«Ўзкимёсаноат» АЖ — China International Import Expo 2026 халқаро кўргазмасида

// 06.11.2026
https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-china-international-import-expo-2026-halqa



Жорий йилнинг 5–10 ноябрь кунлари Хитойнинг Шанхай шаҳрида ўтказилаётган 9-Хитой халқаро импорт-экспорт кўргазмаси (China International Import Expo — CIIE 2026)да «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти ҳам фаол иштирок этмоқда.



Мазкур нуфузли халқаро тадбирда Ўзбекистон корхоналари анъанавий тарзда «Made in Uzbekistan» ягона миллий бренди остида ўз маҳсулот ва ишланмаларини намойиш этмоқда. Миллий стендда кимё саноати билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат, енгил саноат, тўқимачилик, ҳунармандчилик маҳсулотлари, шунингдек, мамлакатнинг инвестиция ва логистика салоҳияти тақдим этилган.


Uzkimyosanoat



Кўргазма доирасида «Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан кимё саноати маҳсулотлари намойиш қилиниб, тармоқнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва экспорт салоҳияти халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола этилмоқда.

Кўргазмада иштирок этиш хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни кенгайтириш, янги ишбилармонлик муносабатларини йўлга қўйиш, кимё саноати маҳсулотларини халқаро бозорларда илгари суриш ҳамда экспорт географиясини янада кенгайтириш учун муҳим имконият яратади.